



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 9 » ноябрь

№ 701

Toshkent sh.

### **Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимида Ўрмон хўжалиги техникуми фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 6 октябрдаги ПҚ–4850-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, ўрмон хўжалиги соҳасида илм-фан билан ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш ҳамда илғор хорижий тажриба бўйича етарли билим ва малакага эга бўлган кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрмон хўжалиги соҳасини ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Тошкент тумани ўрмон хўжалиги коллежи негизида Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимидаги Ўрмон хўжалиги техникумини (кейинги ўринларда – Техникум) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Техникумнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ўрмон хўжалиги ва унинг тармоқлари учун кадрлар тайёрлашнинг узлуксизлиги ва узвийлиги асосида ўрта махсус профессионал таълим босқичида кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида олий таълимнинг бакалаврият таълим йўналишлари билан интеграциялашган дастурлар асосида кадрлар тайёрлаш;

ўрмон хўжалиги соҳаси ва тармоқлари учун таълимнинг халқаро таснифлагичи билан уйғунлашган миллий профессионал стандартларга мос ўрта махсус маълумотли кадрлар тайёрлашни тизимли йўлга қўйиш;

халқаро таснифлагич даражалари билан уйғунлашган табақалаштирилган таълим дастурларини ҳамда ўқитишнинг кредит-модуль тизимини босқичма-босқич жорий этиш;

ўрмонлар барпо этиш, ўларни асраш, кўпайтириш, муҳофаза қилиш, ўрмон флораси ва фаунаси, соҳани рақамлаштириш, агробизнес, маркетинг, логистика, қишлоқ хўжалиги ва органик маҳсулотларни ҳамда доривор ўсимликларни етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва қадоқлаш, шунингдек,

экотуризм ва ов хўжалиklarини ташкил этиш бўйича зарур билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш.

### 3. Белгилансинки:

Техникум республикадаги ўрмончилик соҳасидаги таълим йўналиши бўйича таянч ўрта махсус профессионал таълим муассасаси ҳисобланади;

Техникум директори Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси ўринбосарининг тавсиясига кўра Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Техникумда таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режаси ва дастурларини жорий этишни мувофиқлаштириш Тошкент давлат аграр университети, унга методик раҳбарлик қилиш эса – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан амалга оширилади;

Техникумни жорий сақлаш, унинг фаолият юритиши, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва кадрлар тайёрлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармаси, тўлов-контракт асосида тушган тушумлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ва халқаро молия институтлари грантлари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳар йили 15 январга қадар ўрмон хўжалиги соҳасидаги касблар ва мутахассисликлар бўйича қабул параметрларига таклифларни касблар ва мутахассисликлар ҳамда ҳудудлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этиб боради;

Техникумда юқори малакали педагог ходимлар таркибини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимидаги илмий ташкилотлар ҳамда аграр соҳадаги олий таълим муассасаларининг турдош кафедралари профессор-ўқитувчиларига устунлик берилади;

Техникум Тошкент тумани ўрмон хўжалиги коллежининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси бир ой муддатда Техникумнинг уставини белгиланган тартибда тасдиқласин.

### 5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида Техникумга 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб ўқув жиҳозлари ва лаборатория ускуналари сотиб олиниши;

Техникумга 2 та автотранспорт воситаси, шу жумладан, 1 та енгил автомобиль ва 1 та автобус ажратилишини назарда тутсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ 2021 йил ва ундан кейинги йиллар учун Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурларини шакллантиришда Техникумнинг ўқув биноларини реконструкция қилиш, ўқув-лаборатория ва ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан жиҳозлаш, ётоқхона ва ошхона биноларини қуриш бўйича лойиҳалар мазкур дастурларга белгиланган тартибда киритилишини назарда тутсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ғаниев ва Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси Н.Ж. Бакиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**